

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМЛИ ЖИЗЗАХ
ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

«ТАСДИҚЛАНДИ»
А.Қодирий номли ЖДПИ
ўқув ишлари проректори
Б. Мамажонов_____
«__» _____ 2007 йил

Физика-математика факультети
Физика-астрономия йуналиши

ОПТИКА ФАНИДАН

МАЪРУЗА МАТНИ

ЖИЗЗАХ - 2007

Аннотация

Ушбу маъруза матни давлат стандартига, таълим дастури мазмунига қўйиладиган талабларга мувофиқ “физика-астрономия” бакалавр йўналишига мўлжалланган.

Оптика фанини ўзлаштиришда қўйиладиган талаблар ва кўникмалар: мактабда, касб-хунар коллежларида ва академик лицейларда олган билимларини амалиётда кенгайтириб билим даражасини кўрсатиш. Кўникмалар асосида содда лаборатория ишларини мустақил йиғиш, кузатилган натижаларни компьютерда ҳисоблаш, таҳлил қилиш. Мустақил керакли адабиётларни топиш ва улардан фойдаланиш.

Фанни ўқитишдан мақсад ва вазифалари: Физиканинг оптика бўлимини ўқитиш академик лицей ва касб –хунар коллежларига мўлжалланган оптика дастурининг кенгайтирилган ва узликсиз давоми бўлиши лозим. Касб –хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқитишнинг иккинчи ўқитиш босқичига ўтган. Самарадорлик асосий мезон. Шунинг учун талабаларнинг оптикадан олган билими пухта, академик лицей ва касб –хунар коллежларига мўлжалланган, оптика дастурига нисбатан чуқур ва кенг бўлиши зарур. Талабаларнинг коллеждаги иш фаолиятларида амалий аҳамият касб этувчи оптика тушунча, билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат.

“Умумий физика” кафедраси йиғилиши мажлисида муҳокама қилинган ва тавсия этилган (мажлиснинг I сонли 2007 йил 29 августдаги баённомаси).

Мазкур маъруза матни Жиззах Давлат педагогика институти Илмий Кенгашида кўриб чиқилган ва тасдиқланган.

Тузувчилар:

**доц. Р.Ахмедов,
доц. Ш.Дониёров
доц. Д.Расулов**

Такризчилар:

**Жиззах ПИ доц. Раббимов
ЖДПИ доц. И. Муминов**

1-Маъруза

КИРИШ

Дарс режаси:

1. Оптика булимани уқитишдан мақсад
2. Оптиканинг асосий масаласи
3. Электромагнит тулкин шкаласи
4. Оптик ҳодисаларни тушунириш усуллари
5. Қучли ва қучсиз ёруғлик майдони

1. Педагогика университети ва институтларида физиканинг оптика булимани уқитиш академик лицейлари ва касб ҳунари коллежларига мўлжалланган оптика дастурининг кенгайтирилган узлуксиз давоми бўлиши лозим. Сабаби шундаки бакалавриятни тугатган талабалар асосан юқорида келтирилган жойларда ишлайди. Шунинг учун талабаларнинг оптикадан олган билими пухта, академик лицей ва касб ҳунари коллежларига мўлжалланган, оптикага оид дастурга нисбатан чуқур ва кенг бўлиши зарур. Ҳозирги вақтда бу соҳада баъзи бир қийинчиликлар бор: биринчидан академик лицей ва касб ҳунари коллежлари учун ўқув дастури яратилган, лекин уни ҳали мукамал деб бўлмади, иккинчидан миллий тилда дарсликлар йўқ. Шу сабабдан бакалавриятда оптика дарсини ташкил этиш маълум қийинчиликларга олиб келади. Масалан, ёруғлиkning тарқалишини, қайтишини ва икки муҳит чегарасида синишини Гюгенс ва Ферма (тамоийллари) ва Френель ифодалари асосида тушунириш мумкин. Лекин уларда келтирилган ҳолатларнинг тушунириш мураккаблиги ҳар хил. Шу сабабдан юқорида келтирилган фикрларни ёритишда қуйидагиларни амалга ошириш керак деган фикрдаман. Масалан: Гюгенс тамойили академик лицей ва касб ҳунари коллежларида, Ферма тамойили бакалавриятда ва Френель ифодалари магистратурада ёритилса, поғонама-поғона фикр ва тушунча ривожланиб боради.

Оптика булимани уқитишдан асосий мақсад:

1. Ёруғлик энергиянинг бир турига тааллуқли.
2. Ёруғлик туфайли ташқи оламни қурамыз ва урганамиз.
3. Ташқи олам қурилиши, ёруғлик қонунлари қушимизнинг хусусиятига боғлиқлиги.
4. Табиат қонунларини чуқур ва кенг ўрганишда қузнинг қамчиликларида ҳоли бўлган асбоблардан фойдаланиш.
5. Ёруғлиkning техника ва мода тузилишини ўрганишдаги аҳамияти.
6. Ёруғлик манбаси турлари билан танишиш. (табиий ва сунъий ёруғлик манбалари).

7. Ёруглик усимлик ва тирик мавжудот яшашининг асосий шарти эканлиги хакида тушунчалар бериш.

2. Оптика кенг тармокланган Фан уни батафсил 40-50 соат вақт ичида тулик урганиш мумкин эмас. Оптикага ажратилган соатда умумий тушунчалар билан танишишлари учун куйидаги масалалар куйилиши керак:

1. Ёруглик энергиянинг бир тури хисобланиши.
2. Ёруглик манбалари.
3. Ёругликнинг бир жинсли мухитда манбадан тугри чизик буйлаб таркалиши.
4. Икки мухит чегарасида ёругликда кузатиладиган ходисалар.
5. Кузнинг куриш асоси.
6. Кузнинг куриш кобилятини ошириш мақсадида ишлатиладиган асбоблар.
7. Ёругликнинг табиати.
8. Юкоридан нур таркатмайдиган жисмларни куриниш шартлари.
9. Жисмларда хосил буладиган ранглар.
10. Ёруглик таъсирида моддаларнинг тузилишини урганиш.

3. Юкорида келтирилган масалаларни тула урганиш учун оптикада урта усулдан фойдаланилади. Биринчиси, ёругликни нур шаклида, иккинчиси, тулкин шаклида, учинчиси квантланган зарра ёки фотон шаклида тавсия қилинади. Бу урта усуллар бир-бирини тулдиради, урганилаётган ходиса тугрисида тула маълумотга эга буламиз. Уларнинг қайси биридан фойдаланиш урганилаётган ходиса ёки тажрибага боғлиқ. Мақсад ходисани сода ва осон тушунтириш.

4. Ёруглик манбаларининг нурланишда оптик табиатини уларнинг таркалиш қонунларини жисмлар билан таъсирлашганда кузатиладиган жараёнларни урганувчи физиканинг бу булимига **оптика** дейилади. Ёругликнинг нурланиши юкори частотали, тез узгарувчан, электромагнит тулкин табиатига эга. Шу сабабдан оптикани электромагнит майдоннинг бир қисмини урганувчи физиканинг булими деб қараш мумкин. Хар қандай тулкиннинг (механик, акустик, электромагнит ва бошқалар) частотаси, ν -тебраниш даври, T -тулкин узунлиги λ ва унинг маълум бир мухитда таркалиш тезлиги узаро куйидагича боғланган.

$$\lambda = \frac{\nu}{\nu} = S \cdot T$$

Вакуумда ёруглик тезлиги $c = 3 \cdot 10^{18} \text{ м/с}$ тенг. Куз курадиган электромагнит тулкин шкаласи жуда кичик спектрал соха ёки куйидаги тулкин тармогига эга.

$A = (3800:7800) \text{ нм}$. Мухитда ёруглик тезлиги $S = c/n$ қонуни билан таркалади. n мухитнинг синдриш қурсаткичи ҳаво учун $n = 1$. шу сабабли бинафша тулкин частотаси

$$\nu_0 = \frac{c}{\lambda_0} = \frac{3 \cdot 10^8 \text{ м/с}}{38 \cdot 10^{-8} \text{ м}} \approx 7,89 \cdot 10^4 \text{ Гц}$$

Кизил тулкин частотаси

$$\nu_k = \frac{c}{\lambda_k} = \frac{3 \cdot 10^8 \text{ м/с}}{38 \cdot 10^{-8} \text{ м}} \approx 3,85 \cdot 10^{14} \text{ Гц га тенг.}$$

Бирор мухитда электромагнит тулкин таркалишида унинг частотаси ν узгармай, тулкин узунлиги λ узгаради. Масалан сувда кизил тулкин узунлиги таркалса у тулкиннинг узгаришини курайлик.

$$\lambda = \frac{c}{\nu} = \frac{n}{\nu} = \frac{3 \cdot 10^8 \text{ м/с} : 1,33}{3,85 \cdot 10^{14} \text{ Гц}} = \frac{2,25 \cdot 10^8 \text{ м/с}}{3,85 \cdot 10^{14}} = 5860 \text{ Å}^0$$

Умумий электромагнит тулкин шкаласида ёруғлик тулкинининг куриниш сохаси мос келувчи спектрал соха 1-расмда елтирилган. Улар хар хил усуллар билан хосил килиниб тегишлича кайд килиниши билан 1-расмда келтирилган электромагнит тулкинларнинг таркалишини бир хил дифференциал тенгламаларга мос келади.

	3*10 ⁶		3*10 ¹⁰	3*10 ¹⁴			3*10 ¹⁸	
<i>Узун</i>	<i>Урта</i>	<i>Киска</i>	<i>Ультра киска</i>	<i>Инфра кизил</i>	<i>Куриниш соха</i>	<i>Ультра бинафша</i>	<i>Рентген</i>	<i>γ- нурлар</i>
Радио тулкин				Молекуляр, атом тулкин.				

1-расм.

Анъана буйича оптика куйидаги булимлардан иборат: геометрик, физик ва физиологик оптика.

Геометрик оптика – ёруғлик нурлари ёрдамида буюм тасвирининг хосил килишини урганади. Бунда ёруғликнинг табиати эътиборга олинмайди. Шу сабабли интерференция ва дифракция ходисаларини хисобга олинмайди.

Физик оптикада – ёруғликнинг табиати ёки унинг тулкин ва квант хусусияти, изотроп ва анизотроп мухитларда таркалиши ва жисмлар билан узаро таъсирини урганади.

Физиологик оптика – ёруғликнинг сезги органларига таъсири (биофизика ва психология), кузнинг ёруғликни кайд килишини урганади. Биз бу масалага тухталамиз.

$$4. \text{ Ёруғлик интенсивлиги} - I = \frac{c n}{4\pi} E^2 \text{ ифода билан аникланади.}$$

c – ёруғликнинг вакуумдаги тезлиги,

n – мухитнинг синдириш курсаткичи,

E – ёруғликнинг электр майдон кучланганлиги.

Оддий ёруғлик манбаларининг (лазерлардан ташкари) интенсивликлари 10 Вт/см² гача булиши мумкин. Уларнинг майдон кучланганлиги (0,1÷10) В/см дан ортмайди. Бу эса атомни ташкил этувчи зарралар хосил килувчи E_A электромайдон кучланганлигидан жуда кичик, хакикатдан:

$$E_a = \frac{e}{r^2} = \frac{4,8 \cdot 10^{-10} \text{ СГГС}}{(1,10^{-8})^2} = 3 \cdot 10^4 = 4,48 \cdot 10^6 \frac{\text{СГСЕ}}{\text{см}^2} \cdot 3 \cdot 10^4 \approx 14,4 \cdot 10^{10} \frac{\text{В}}{\text{см}}$$

Энергияси 10^3 Ж га тенг лазер манбалари ҳосил килувчи интенсивлик 10^{10} Вт/см² тенг. Бундай интенсивликдаги ёруғлик майдон кучланганлик киймати 10^9 В/см булади. Натижада валент электронлар ҳосил килувчи электр майдон кучланганлигига тахминан тенг. Таҷрибалар шуни курсатадики, ёруғлик нурунинг интенсивлиги 10^8 Вт/см² га тенг бўлганда ёруғлик нури ва жисм узаро таъсирлашганда кузатиладиган ҳодисалар тушувчи нурунинг интенсивлигига боғлиқ бўлганда чизикли бўлмаган оптика соҳасига утилади. Бундай ҳолни магистратурада урганиш макбулдир.

Ёруғлик майдон кучланганлик киймати $E < 10^9$ В/см кичик бўлганда **чизикли оптика** дейилади. Чизикли оптикада суперпозиция тамойили сақланади. Бундай ҳолни баколавриятда қурағиз.

Текшириш саволлари:

1. Оптика бўлимини уқитишда қандай изчиллик сақланиши керак?
2. Оптика бўлимини уқитишдан мақсад нима?
3. Оптика бўлимида қандай масалалар қурилади?
4. Кузатилган ҳодисаларни тушунтиришда қандай тушунчалардан фойдаланамиз?
5. Тарқалувчи электромагнит тулқиннинг қандай параметрларидан фойдаланамиз?
6. Электромагнит тулқин шкаласи нима?
7. Оптиканинг қандай бўлимлар бор?
8. Чизикли ва чизикли бўлмаган оптиканинг фарқи нимада?

Таянч тушунчалар

1. Оптика ёруғлиқнинг табиатини, унинг тарқалишини ва ёруғлиқнинг жисмлар билан таъсирлашганда кузатиладиган ҳодисаларни урганувчи физиканинг бўлими.
2. Ёруғлиқнинг интенсивлиги – электр майдон кучланганлиги квадратига тугри пропорционал катталиқ.
3. Суперпозиция тамойили – вектор катталиқларнинг (масалан электр майдон кучланганлик векторининг) йиғиндиси.

Адабиётлар:

1. Н.И.Калитевский «Волновая оптика» Москва. «Высшая школа». 1978 г. 6-10 б.
2. Е.И.Бутиков «Оптика» Москва. «Высшая школа». 1986 г. 7-10 б.

2-Маъруза

ФОТОМЕТРИЯ АСОСЛАРИ

РЕЖА:

1. Ёругликнинг табиати
2. Ёруглик тулкинининг куриниш соҳасидаги энергияси
3. Ёруглик манба турлари
4. Ёруглик энергиясини кайд килувчи асбоблар.

Энергия окими каби ёруглик окими тушунчаси киритилади. Шундай килиб берилган юзадан бирлик вақтда утувчи ёруглик энергияси ёруглик окими булади. Ёруглик окими ваттда улчанади. Купчилик холда махсус бирликдан фойдаланилади. Оптиканинг ёруглик окимини улчаш усуллари урганувчи булим **фотометрия** дейилади.

Ёруглик тулкинининг куриниш соҳаси. Тулкин манбалари.ёруглик тулкинларини кайд килувчи асбоблар.

Максад: Электромагнит (ёруглик) тулкинининг куриниш соҳасини аниклаш. Ёруглик тулкин манба турлари ва улардан таркалаётган тулкинларни кайд килувчи асбоблар хақида тушунчага эга булиш.

Максвелл назариясига асосан ёруглик юкори частотада узгарувчан уярмавий турдаги электромагнит майдонлардан иборат. Электромагнит тулкин частоталари 0 дан чексизликкача узгариши мумкин. Тулкин частотаси ва тулкин узунлиги узаро куйидагича боғланган.

$$\nu \cdot \lambda = c \quad (1)$$

Бу ифода ваакум учун уринли. ν -электромагнит тулкин частотаси, λ -электромагнит тулкин узунлиги, c -ёругликнинг ваакумдаги (бушлик) тезлиги.

(1) ифодадан ёругликнинг тулкин узунлигини топиш мумкин.

$$\lambda = \frac{c}{\nu} \quad (2)$$

Инсон кузи кабул килувчи тулкин узунликлари оралиги чекланган булиб, у инсон кузининг куриш кобилиятига боғлиқ. Уларнинг сон сон кийматлари тахминан

$$\lambda = (0,38; 0,76) \text{ мкм ораликка тенг.}$$

$C = 3 \cdot 10^8$ м/с тенглигидан куриниш соҳасига мос келувчи хаводаги ёруглик частоталари оралиги.

$$\nu = (4 \div 8) \cdot 10^{14} \text{ Гц ёки } \omega = (2,5 \div 50) \cdot 10^{15} \text{ С}^{-1} \quad (3)$$

Планк ва Эйнштейн назарияларига асосан ёруглик квазизарра хусусиятига эга. Нурланиш квант энергияси ифодаси

$$E = h\nu = h \cdot \nu$$

Планк доимийси $h=6,62 \cdot 10^{-34}$ ж/с ёки $h = h/2\pi = 1,05 \cdot 10^{-24}$ ж*с

(3) ва (4) ифодадан фойдаланиб

$$E=(2,6 \div 5,2) \cdot 10^{-19} \text{ Ж} = (1,6 \div 3,2) \text{ эВ} \quad (5)$$

Ёругликнинг куриши соҳасига мос келувчи сон киймати топилди. Куёш спекторининг максимум интенсивлиги $\lambda=0,56$ мкм тулкин узунлигига мос келади. Куёшдан таркалувчи тулкинлар ҳаво катламида ютилиши ва сочилиши туфайли Ерга етиб келувчи тулкин узунлиги $\lambda=0,38$ мкмга тенг бўлади. Ер атрофида уртача ҳарорат $T_{\text{ер}}=300$ К у вақтда W частотага мос келувчи фотон концентрацияси

(3) ва (4) ифодадан фойдаланиб

$$E=(2,6 \div 5,2) \cdot 10^{-19} \text{ Ж} = (1,6 \div 3,2) \text{ эВ} \quad (5)$$

Ёругликнинг куриши соҳасига мос келувчи сон киймати топилди. Куёш спектрининг максимум интенсивлиги $\lambda=0,56$ мкм тулкин узунлигига мос келади. Куёшдан таркалувчи тулкинлар ҳаво катламида ютилиши ва сочилиши туфайли Ерга етиб келувчи тулин узунлиги $\lambda=0,38$ мкм га тенг бўлади. Ер атрофида уртача ҳарорат $T_{\text{ер}}=300$ К у вақтда w частотага мос келувчи фотон концентрацияси

$$\langle n_{\text{ep}} \rangle = 1 / (\exp(hw / (kT_{\text{ер}}))) - 1 \quad (6)$$

Куёш сиртида ҳарорат тахминан $T=6000$ К. Ундан ерга келаётган уртача фотонлар концентрацияси:

$$\langle n_k \rangle = (rk / R_{\text{ep}})^2 \cdot 1 / (\exp(hw / (kTk))) - 1 \quad (7)$$

Бу ерда rk -куёш радиуси, R_{ep} -Ер орбитаси радиуси, (6) ва (7) ифодалардан фойдаланиб куйидаги сон кийматини ҳосил қилиш мумкин:

$$\langle n_{\text{ep}} \rangle / \langle n_k \rangle \approx 10^{-5}$$

Асосан буюмлардан кайтган фотонлар катта аҳамиятга эга. Улардан келувчи фотонларнинг уртача киймати 10^{-5} дан катта. Нормал шароитда жисмларнинг ҳарорати узгариши унча катта эмас. Шу сабабдан фотонлар концентрацияси катта узгармайди. Оқибатда бизнинг ёругликни куриш оралигимиз чекланган.

Ёруглик манба турлари: табиий ёруглик манбалари-куёш юлдузлар. Сунъий ёруглик манбалари-ой, электр ва электр газ лампалари, прожекторлар, олов т.б. Табиий ёругликлар жуда узок муддат давомида узларидан нур таркатади. Сунъий ёруглик манбаларининг нур таркатиши муддати чекланган. Табиий ва сунъий ёруглик манбалари узларидан узлуксиз ва чекли спектрлар чиқаради. Ёруглик оқимини қабул қилувчи асбоблар: куз, фотоэлементлар, болометрлар, фотокаршиликлар, фотокучайтиргичлар, люксометр ва т.б.

Тегишириш саволлари:

1. Ёругликнинг куриш тулкин узунликлари қандай ораликда жойлашган?
2. Куриш соҳасига мос келувчи ёруглик энергиясининг сон киймати нечага тенг?

3. Куёш спектрининг энг катта киймати нимага тенг?
4. Куёшдан ерга келаётган фотонлар концентрациясининг ифодаси кандай?
5. Ёруглик манбаи турлари кандай?
6. Ёруглик окимини қабул қилувчи асбоблар тури.

Таянч тушунчалар:

1. Тулкин узунлиги – синусоидал тулкиннинг бир-бирига яқин фазалари бир хил бўлган координаталар орасидаги масофа.
2. Частота такрорланувчи ходисаларнинг Тула даврини шу ходисага кетган вақтга нисбати.
3. Электроно-волт микрозарра энергиясини улчайдиган бирлик.
4. Фотоэлемент-фотоэффект ходисаси асосида ишлайдиган асбоб.
5. Фотокаришлик-ёруглик таъсирида электр утказувчанлигини узгарувчи ярим утказгичли фотоэлемент
6. Балометр-электр каршилигининг хароратга боглик равишда электромагнит нурланишини улчовчи асбоб.

Адабиётлар:

- А.Н.Матвеев «Оптика» - Высшая школа 1985 г. Москва. 12-17 б.
Н.М. Годжаев «Оптика» - Высшая школа 1977 г. Москва. 3-9 б.

3 – Маъруза

ФОТОМЕТРИК КАТТАЛИКЛАР

Р Е Ж А :

1. Ёруглик окими
2. Ёруглик кучи
3. Равшанлик
4. Ёртилиганлик

1. Ёруглик окими Φ жуда кичик тулкин узунлиги оралиги $d\lambda$ мос келувчи спектрал зичликни $\phi\lambda$ куруниш функциясига $v\lambda$ купайтмасига тенг. Бирлиги Люмен – лм.

$$\Phi = \int_{\lambda_1}^{\lambda_2} v\lambda \phi\lambda d\lambda \quad (8)$$

Ёруглик энергияси бирлик вақт оралигида берилган юзадан утувчи ёруглик окимига тенг. Бирлиги жоуль.

Ёруглик кучи кичик фазовий бурчак оралигидаги ёруглик окимининг шу фазовий бурчакка нисбати. Ифодаси

$$I = \frac{d\Phi}{d\lambda} \quad (9)$$

$d\lambda$ – кичик фазовий бурчак, $d\Phi$ – фазовий бурчак ичида таркалувчи ёруглик окими, J – ёруглик кучи бирлиги кендел. Равшанлик R бирлик юзадан чикувчи ёки таркалувчи ёруглик окими ифодаси:

$$R = \frac{d\Phi}{dS} \quad (10)$$

dS – ёруглик таркатувчи кичик юза.

$d\Phi$ – кичик юзадан таркалаётган оким

R - ёруглик манбасининг равшанлиги, бирлиги люмен/м²=лм/м²

Ёритилганлик E бирлик юзага тушаётган ёруглик окими ифодаси

$$E = \frac{d\Phi}{dS} \quad (11)$$

dS – ёруглик окими тушаётган кичик юза

$d\Phi$ – кичик юзага тушаётган ёруглик окими

E – ёритилганлик.

Ёритилганлик ва ёруглик кучи бир бири билан боғланган фотометрик катталиқдир. (9) ифодадан ёруглик оқимини

$$d\Phi = I d\Omega \quad (12)$$

ифода ёрдамида топамиз.

$d\lambda$ – фазовий бурчак

$d\Omega = dS/r^2$ ёки умумий ҳолда

$$d\Omega = dS/r^2 \cos\alpha \quad (13)$$

ифода билан аниқланади. (13) ифодани (12) ифодага қўйсак

$$d\Phi = I \cdot dS/r^2 \cos\alpha \quad (14)$$

ифода ҳосил бўлади. (13) ва (14) ифодаларда r^2 – ёруглик манбасида ёритилувчи сиртгача бўлган масофа квадрати (11) ифодадан ёруглик оқими

$$d\Phi = E dS \quad (15)$$

ёритилганлик ва кичик юза қўпайтмасига тенг. (14) ва (15) ифодаларни тенглаштириб қуйидаги ифодани ҳосил қиламиз.


$$E \cdot dS = I dS / r^2 \cos\alpha$$

Бундан $E = I / r^2 \cos\alpha$ (16) фотометриянинг асосий ифодаси бўлади.

Амалда бу ифодадан қўп фойдаланилади.

Ёруглик катталиқларини ўлчаш

Ёруглик кучи ва ёритилганликни ўлчайдиган асбобларни **фотометрлар** дейилади. Уларнинг ишлашлари икки хил бўлади. **Субъектив** (куз билан кузатиш) ва **объектив** (фотопластинка, фотоэлемент, фотокаршилиқ, фотоқўчайтиргич ва бошқалар). Фотометрларнинг ишлаш тамойили (16) ифодага асосланган. Бунда ёруглик кучлари I_1 ва I_2 га тенг бўлган манбалар ёритувчи сиртлар АВ ва ВС дан (2-расм) r_1 ва r_2 масофага жойлаштирилади.



M_1 ва M_2 – ёруглик манбалари. Ёритилувчи АВ ва ВС сиртлар бир хил бурчак билан ёритилади. У ҳолда $E_1 = J/r_1^2 \cos\alpha$ ва $E_2 = J_2/r_2^2 \cos\alpha$ ифода уринли r_1 ва r_2 масофаларни ўзгартириб $E_1 = E_2$ тенгликни ҳосил қилинади. Натижада $J_1/r_1^2 = J_2/r_2^2$ бундан

$$J_1 = J_2/r_1^2 \quad (17)$$

(17) ифодада r_1 ва r_2 ларни улчаш мумкин. J_2 – ёруглик кучи маълум. Натижада номаълум манбанинг ёруглик кучини аниклаш мумкин.

Текшириш саволлари:

1. Ёруглик оқим ифодаси
2. Ёруглик кучи-таърифи ва бирлиги
3. Равшанлик-таърифи ва бирлиги
4. Ёритилганлик таърифи ва бирлиги
- ёритилганлик ва ёруглик кучини боғловчи ифода
5. Номаълум манбанинг ёруглик кучини кандай ифодаланади:

Таянч тушунчалар

1. Фазовий бурчак-чуккиси манбадан бошланувчи конус асоси билан чекланган юзани, манбадан юзагача булган радиус кфвадратига нисбати
2. Ланберга манбаси ҳамма йуналишларга бир хил равшанликда нур таркатувчи ёруглик манбаси
3. Фотометр ёруглик майдон катталигини улчовчи асбоб

Адабиётлар

1. Г.А Зисмон, О.М. Тодес. Курс общий физики Т.3. Изд. Наука Москва 1972. 20-30 б
2. Н.М.Годжаев «Оптика» Москва Высшая школа 1977. 10-20 б.

ГЕОМЕТРИК ОПТИКА АСОСЛАРИ.

Дарснинг максоди: Талабаларга кундалик ҳаётда ёруғлик нури ёрдамида буюм тасвирини ҳосил қилишни (ёруғлик техникаси) оптик тасвир ҳосил қилишни физик асосларини оптотехника) ёруғликни нури асосида ургатиш.

Р Е Ж А:

1. Геометрик оптика қоидалари
2. Ферма тамойили
3. Геометрик оптиканинг асосий тушунчалари.

Геометрик оптика қизикли оптикага таълуқли унинг асосида қуйидаги қоидалар бор:

А) Бир жинсли муҳитда ёруғлик тугри қизик бўйлаб тарқалади. Бунда ёруғликнинг интерференцияси ва дифракцияси ҳисобга олинмайди. Ёруғликнинг тугри қизик бўйлаб тарқалишини-нур дейилади.

Б) Ёруғлик нурлари бир-бирлари билан таъсирлашмайди. Суперпозиция тамойили уринли. Улар мустакил тарқалади.

В) Ёруғликнинг қайтиш қонуни

Г) Икки шаффоф муҳит чегарасида ёруғликнинг синиши:

Бу ҳодисалар билан академик лицей ва касб-хунар коллежларида танишилган.

Қайтиш ва синиш қонуни Гюгенс тамойили асосида батафсил таништирилса мақсадга мувофиқ булар эди.

Чунки Ферма тамойилини тула ёритишга касб-хунар коллежларида ажратилган етарли эмас.

Геометрик оптика тулқин ёки физик оптиканинг чегравий ҳоли бўлиб, у факат $\lambda \rightarrow 0$ тулқин узунлиги нолга интилган ва уринли булар эди. Бу масалани Заммарьфелд Максвелл тенгламаларининг тулқин векторларини сколяр қуринишида ўқишида, уринли эканини қурсатади. Шундай қилиб, нур ўлчамга эга бўлмаган тугри қизик, яъни абстракт тушунча. Лекин ёруғликнинг ва синиш қонунларини осон тушунтиради.

Ферма тамойили асосида ёруғликнинг муҳитда тарқалишини тушунтиришда у муҳитда энг қулай вақтда ўтади ёки энг қулай масофани босиб ўтади деб қаралади. Гюгенс тамойилида нурнинг қанча вақтда ёки қандай масофани ўтиши ҳақида аниқ фикр билдирилган. Унда факат йўналиши ҳақида фикр билдирилган. Ферма тамойилининг математик ифодасини чиқариш учун оптик йўл тушунчасини қиритамиз. Муҳит синдириш қўрсаткичининг n , ёруғлик нурининг ўтган масофаси X қўпайтмаси оптик йўл $l=nX$ дейилади. Агарда нур А нуктадан В нуктагача ўтганда муҳит бир жинсли бўлмаса, уни бир жинсли булақларга бўлиб кейин йиғиш керак:

$$l=n_1 \Delta x_1 + n_2 \Delta x_2 + n_3 \Delta x_3 + \dots + n_k \Delta x_k = \sum_{i=1}^k n_i \Delta x_i \quad (18)$$

Ёки $\Delta X \rightarrow 0$ (18) ифодадан интегралга утилади.

$$L = \int_A^B n dx / c \quad (19)$$

dx масофани нур dt вақтда утади. Натижада dt вақтни топиш учун

ифодадан фойдаланамиз.

$$Dt = \frac{dx}{v} \quad (20)$$

V -мухитдаги ёруғлик нурининг тарқалиши тезлиги AB масофани утишдаги нурнинг тула вақт ифодаси:

$$t = \int n dx / c \quad (21)$$

(21) Ифодадаги интегралнинг узгариши (вариацияси) нолга тенг бўлиши керак яъни

$$\delta t = \delta \int_A^B n dx / c \quad (21)$$


(22) ифода Ферма тамойилининг математик ифодаси.

(22) ифода вақтнинг экстремумини аниқлайди.

- а) AB масофани нурининг утилиши вақти кичик бўлиши
- б) AB масофани нурнинг утиш вақти катта бўлиши
- в) масофани нурнинг утиши вақти ҳар хил йулар билан бир хил бўлиши мумкин.

КАЙТИШ КОНУНИ

A .Нуктадан горизантал тексликда ётган O нуктада утказилган нормага нисбатан a -бурчак остида нур туширамыз. Кузгидан кайтган нур B нуктагача келсин



Тушиши ва кайтиш бурчакларининг OY уқка (нормалга) нисбатан улчанади OX уқини кузгу сирти буйлаб жойлаштирмиз. Ферма тамойилига асосан нурнинг A нуктадан B нуктага қисқа вақтда етиб келишини курайлик. Унинг учун B ва A нукталаридан OX уқига AA_1 ва BB_1 тиклар туширамыз.

Куйидагича белгилашлар киритамиз. $A_1O = x$, $A_1AB_1 = C$: $AA_1 = y_1$ $BB_1 = y_2$


A нуктадан кузгуга тушган нур B нукта t вақтда етиб келади. Агарлда мухитда нурнинг тарқалиши тезлиги V бўлса, y вақтда:

(23) ифодадан нурнинг муҳитда тарқалиши унинг тушиш нуқтасига О га боғлиқ эмас (23) ифодадан Ферма тамойилига асосан тенгликнинг чап ва унг тамойилларидан дифференциялаймиз.

$$d t = \frac{1}{V} + \frac{X}{Y_1 + X_2} = \frac{1}{V} - \frac{c-x}{Y + (c-x)^2} = \frac{1}{V} - \frac{X}{AO} + \frac{1}{V} - \frac{c-x}{OB} = \frac{1}{V}$$

Бундан $\sin a + \sin a^1 = 0$ ва $a = -a^1$ Манфий ишора a ва a^1 бурчаклар кузгугача туширилган тикнинг симметрик икки томонида жойлашишини курсатади. Шундай қилиб кузгудан қайтган ва тушган нурлар бир таесда ётади. Нурнинг қайтиш бурчаги a_1 туши бурчагига тенг, яъни кузгунинг нур тушиши нуқтасига утказилган нормалга симметрик жойлашган

Нурнинг синиши қонуни: Масалан нур тавркалиш жараёнида чегарага эга булган икки мухитдан утади (хаво-шиша, хаво-сув, сув-шиша) тегишлиги уларнинг синдириш қурбатгичлари n_1 ва n_2 Фараз қиламиз икки мухит чегараси горизантал текисликда жойлашган нур синдириш қурбатгичи чегарасига тушиб О нуктада қисман қайтади ва қисман синиб синдириш қурбатгичи n_2 тенг мухитда С нуктадан ўтсин



4 расм

Бунда $n_2 > n_1$ синиш бурчаги В икки мухит чегарасида нурнинг тушиши нуктасидан утувчи Ава С нукталардан икки мухит чегарасига тик тушириб белгилашишлар киритамиз $A_1O = X$, $A_1C_1 = C_1$, $AA_1 = Y_1$ $CC_1 = Y_2$ Нурнинг А нуктадан чикиб С нуктадан ўтишига кетган вақти

$$t = \frac{\sqrt{y_1^2 + x^2}}{V_1} + \frac{\sqrt{y_2^2 + (c-x)^2}}{V_2} \quad (25)$$

Бу ерда V_1 ва v_2 ёруглик нурунинг биринчи ва иккинчи мухитларда таркалиши тезликлари (25) тенгламанинг чап ва унғ томонларини дифференциаласак:

$$dt = \frac{1}{V_1} \frac{X}{AO} - \frac{1}{V_2} \frac{C-X}{OC} = \frac{\sin a}{V_1} - \frac{\sin b}{V_2} = 0 \quad (26)$$


$$(26) \text{ Ифодадан } \frac{\sin a}{\sin b} = \frac{V_1}{V_2} \quad (27) \quad V_1 = \frac{C}{n_1} \text{ ва } V_2 = \frac{C}{n_2}$$

Тенгликларни инобатга олсак гуйидаги ифода хосил килинади.

$$\sin a / \sin b = n_2 / n_1$$


(28) ифода нурнинг синиши конунидир. Бу ҳолда АО ва ОС чизиклар АС чизикдан катта ёки купрок вақт сарфланади.

Ҳар хил масофани бирдай вақт ичида утишга мисол. Эллиптик к кузгунинг битта фокусига О нуктавий манба жойлаштирсак, эллиптик кузгулардан кайтган нурлар унинг иккинчи фокусига тупланади



Бунга сабаб аналитик геометриядан маълумки $r_1 + r_2 = 2a$. Натижада $AO + AO_1 = OB + BO_1$ ҳар хил масофани ёруғлик нури бирдай вақтда утади.

Шунга ўхшаш ҳодисани парабалик кузгуда ҳам кузатиш мумкин (6 расм)



Парабалик кузгуда параллел ёруғлик нур дасталари тушсин. Улар парабалик кузгудан кайтгандан сунг фокусига О нуктада тупланади. Параллел нур дасталарининг тулкин орронти уларга тик MN йуналган бўлади. Нур дасталари MN текислигига бир хил масофани утган.

Парабалик кузгу ҳавода жойлашганлиги учун AA_1O , BB_1O , CC_1O ва DD_1O оптик йулларини бирдай вақтда утади. Парабалик кузгуларнинг ёруғлик нурларини фокусловчи хусусиятидан оптик асбобларда куп фойдаланилади.

Геометрик оптиканинг асосий тушунчалари

Нуктавий манба улчами эътиборга олинмайдиган манба, Нуктавий манбадан таркалувчи турларини гомоцентрик (якка марказли) даста бўлиб улар кайтиш ва синиш натижасида яна битта нуктага тупланиши мумкин.

Агарда гомоцентрик нурлар оптик системалардан утганда нуктавий хосил килинса-сицигоматик тасвир дейилади.

Геометрик оптикада ёруклик нурлари учун айлантормок тамойили (принцип оборотимости) уринли Нуктавий манба ва унинг тасвир жойларини алмаштирганда ёруклик нурларининг йуллари узгармайди.

Бир жинсли ва изотоп мухит гомоцентрик нурларининг тулкин сирти-сферик сирт булади. Лекин мавжуд оптик системалардан гомоцентрик нурлар утганда тулкин сиртлари деформациаланиш туфайли гомоцентрик ҳолатларидан четлашганлиги натижасида степматик тасвир ҳосил бўлмайди. Бундай хосса нурларнинг астигомотизм дейилади.

Тегишириш саволлари:

1. Геометрик оптикада нечта конун бор?
2. Ёрукликнинг қайтиш конунини таърифланг.
3. Ёрукликнинг синиш конуни ифодаси қандай?
4. Оптик йул нима?
5. Ферма тамойилининг математик ифодасидан қандай хулосалар чиқариш мумкин?
6. Хаар хил масофани бир хил вақтда утишга оид мисоллар келтиринг.
7. Нуктавий манба қандай манба?
8. Айлантормок тамойили нимадан иборат?
9. Сферик сирт қандай ҳолда ҳосил булади?
10. Қандай ҳолда астигматизм кузатилади?

Таянч тушунчалар:

1. Оптик йул – геометрик йулни мухит синдириш курсаткичига қупайтмаси.
2. Гомоцентрик нурлар – бита нурдан тарқалувчи нурлар.
3. Стигматик нурлар – бита нуктага тупланувчи нурлар.
4. Астигматизм – тасвирнинг бита нуктадани четланиши.

Адабиётлар:

1. Е.И.Бутиков «Оптика» Москва. «Высшая школа». 1986 г. 329-337 б.
2. Н.М.Годжаев «Оптика». Москва. «Высшая школа» 1977. 166-172 б.

**МАВЗУ: ТУЛА ИЧКИ КАЙТИШ. ТОЛАЛИ ОПТИКА
РЕФРАКТОМЕТР**


Р Е Ж А:

1. Тула ички кайтиш
2. Толали оптика
3. Рефрактометр

Дарснинг максоди: Ёругликнинг тула ички кайтишида чегаравий бурчак ахамияти ва тула ички кайтиш жараёнида техникада фойдаланиш, суюкликларнинг синдириш курсатишини улчаш усули билан танишиш. Ёругликнинг кайтиш конунида нур факат битта мухитда таркалади. Парда мухит бир жинсли ва изотроп булса. Унинг синдириш курсатгичи узгармайди яъни $n = \text{const}$

Ёругликнинг синиши конунида нур икки мухитда таркалади. Асосан синдириш курсатгичи катта мухитда синиб утади. Мухитнинг синдириш курсатгичини оптика зичлик хам дейилади. Агарда нур тескари йуналган булса яъни синдириш курсатгичи катта мухитдан синдириш курсатгичи кичик мухитга утса конунни узгарадими ёки йукми?

Оптик зичлиги катта мухитдан ёруглик оптик зичлиги кичик мухитга утганда, маълум бир бурчакдан бошлаб ёруглик оптик зичлиги кичик мухитга утмайди. Шу бурчак чегаравий бурчакдир. (7-расм) синиш конунидан фойдаланиб




$$\sin \alpha / \sin \beta = n_1 / n_2 \quad (29)$$

ифодани ёзиш мумкин

Ёруглик нури сувдан хаваго ёки шишадан хаваго утаётган булса $n_1 = 1$ булади ва $\sin \beta = \sin 90^\circ = 1$ Натижада (29) ифода


$$\left| \begin{array}{l} \sin \alpha = \frac{1}{n} \end{array} \right. \quad (30)$$

Курунишга эга булади. N- оптик зичлиги катта мухитнинг синдириш курсатгичи. Бундай ходисага ёрукликнинг тула ички кайтиш ходисаси дейилади. Хозирги вақтда ёрукликнинг тула ички кайтиш ходисасидан фан ва техникада чегараларга караб камайиб борувчи шаффоф эгилувчи шиша утказгичдан фойдаланилади. Бу утказгичга чегравий бурчак остида ёруклик киритсак у утказгич бўйлаб таркалади.



Тола оптик зичлиги катта шаффоф жим. Коплам-оптик зич лик кичик жисм. Хозирги вақтда тула ички кайтиш ходисасини тиббиётда рашхис куйишда, телефон, телевиденияда фойдаланилади.

Шаффоф жисмларнинг синдириш курсатгичини улчаш усулларига **рефрактометрия** дейилади. Суюк ва каттик жисмларнинг синдириш курсатгичини улчайдиган асбобга **рефрактометр** дейилади. Синдириш курсатгичини улчамларини бир неча усуллари бор. Шулардан бири ёрукликнинг тула кайтишига асосланган ускуна **Пульфрих рефрактометри**. Бу ускуна ёрдамида суюк ва каттик жисмларнинг $n=1.3$ дан $n=1.9$ гача синдириш курсатгичи 10^{-4} даражагача аниқлик билан улчаш мумкин. Пульфрих рефрактометрнинг ишлаш тартиби 9-расмда курсатилган.



9-расм

Монохроматик паралел ёруклик дастаси тугри бурчакли призманинг юкори киррасига сирпаниб тушади. Бунда призманинг синдириш курсатгичи n номаълум. Агарда $n < n_0$ булса у холда синиш конунига асосли сирпанувчи ёруклик дастасига тенглик уринли булар эди:

$$n = n_0 \sin \alpha \quad (31)$$

Тугри бурчакли призмадан чикувчи ёруклик дастасининг бурчабини Lo билан белгиласак у холда $n_0 \cos \alpha = \sin \alpha_0$ (32)

(31) ва (32) тенгликларни квадратга кутариб сунг хадма-хад кушсак, тубандаги тенглик чиқади:

$$n = \sqrt{n_0^2 - \sin^2 \alpha_0} \quad (33)$$

Шундай килиб призманинг синдириш курсатгичи маълум булса, номаълум эритма суюклик ва каттик жисмларнинг синдириш курсатгичларини аниқлаш мумкин.

Тегириши саволлари:

1. Оптик зичлик нима?
2. Кандай ходисалар ёругликнинг тула ички кайтиш ходисаси дейилади?
3. Чегаравий бурчак кандай аникланади?
4. Ёругликнинг тула ички кайтиш ифодасини ёзинг.
5. Тола оптика ходисаси.
6. Синдириш курсаткичини улчайдиган асбобнинг ишлаш принципи.
7. Синдириш курсаткичини улчаш аниклиги.

Таянч тушунчалар:

1. Синдириш курсаткичи – нур утувчи икки мухитнинг абсолют синдириш курсаткичлари нисбати.
2. Абсолют синдириш курсаткичи – мухитнинг оптик хусусиятини белгилайди ва ваакумдаги ёруглик тезлигини мухитдаги ёругликнинг фазовий тезлигига нисбати билан аникланади.
3. Оптик тола – марказига караб синдириш курсаткичи ошиб боровчи шиша труба. Тула ички кайтиш ходисасига асосан нур факат шиша труба марказида таркалади.
4. Рефрактометр – жисмларни синдириш курсаткичини улчайдиган асбоб.

Адабиётлар:

1. Г.А Зисман, О.М. Тодес. «Курс общей физики» Т.3. Изд. «Наука». Москва 1972. 30-38 б.
2. А.Н.Матвеев «Оптика». Москва. «Высшая школа». 1985 г. 104-107 б.

6- Маъруза

МАВЗУ: КУЗГУЛАР ВА КУЗГУЛАР ЁРДАМИДА БУЮМ ТАСВИРИНИ ХОСИЛ КИЛИШ.

Р Е Ж А:

1. Кузгуларнинг турлари
2. Кузгулар ёрдамида буюм тасвирини хосил килиш
3. Ботик ва коварик кузгуларнинг параметрлари
4. Ботик ва коварик кузгулар ифодаси.
5. Ботик кузгу ёрдамида буюм тасвирини хосил килиш.

Кузгуларнинг турлари: Ясси, паралел, сферкс, ботик, сферик коварик порабалик ва т.б курунишда булади.


Улардан фойдаланиш максади:

- А) Нурларнинг йуналишларини узгартириш.
- Б) Нурларни бир нуктага туплаш.
- В) нурларни сочиш
- Г) Буюм тавсирини хосил килиш учун кулланилади.

Оптик системаларда фойдаланиладиган кузгуларни катта кунт билан тайёрланади. Биринчидан кузгу сифатида фойдаланиладиган шиша бир жинсли ва хар кандай нуксонлардан холи булишини таъмтинланади. Иккинчидан уларнинг шартлари сифатили аникланади. Кандай максадда ишлатилишига караб уларга керакли шакл берилади.

Сунг сиртларининг бирор томонга бирдай калинликда альюминий шакли копланади. Баъзи бир холда кумуш копланади.

Ясси паралле кузгу ёрдамида манба ва буюм тасвирини хосил килиш. Кузгуларда ёруглик нурлари ёрдамида буюм тасвирини хосил килишда, ёругликнинг тугри чизик буйлаб таркалиши, ёруглик нурларининг бир-бирига таъсир этмаслиги ва кайтиши конунларидан фойдаланамиз.




10-расм

Копланган томонига калта чизиклар (штрихлар) куйилади. Кузгудан X масофада A нуктавий манба жойлаштирилади. Унинг кузгудаги тасвирини аниклаш учун A нуктавий манбадан кузгуга караб таркалувчи иккита ёки учта нурларнинг йуналиши етарли (10-расм).

Биринчи нур A нуктадан K кузгуга тик тушсин. Y кузгунинг O нуктасидан кайтиш конунига асосан тик кайтади. Иккинчи нур кузгуга α бурчак билан O_1 нуктага тушсин. Тушиш бурчагини аниклаш учун кузгунинг O_1 нуктасига тик утказамиз ва α бурчак йуналишини

аниклаймиз. У соат мили йуналишига Карши йуналган (9-расм). Расмдан куриладиган биринчи ва иккинчи нурлар тугри чизик буйлаб йуналган. Улар бир-бири билан таъсирлашмайди ёки мустикил таркалади. Кайтиш конунига асосан иккинчи нур кузгунинг O_1 нуктасидан α_1 бурчак билан кайтади. Кайтиш бурчак йуналиши соат милининг харакат йуналиши билан мос келади. Кайтган биринчи ва иккинчи нурларни кузгунинг иккинчи томонига фикран давом эттирамыз (6-расмда). Бу пункт чизиклар ёрдамида курсатилган. Улар A_1 нуктада кесишади. Шундай килиб стигматик тасвир хосил килинади. Нуктавий манбанинг мавхум тасвири хосил килинади. Шундай килиб кузгуда хосил булган тасвир мавхум булади. Манба кузгудан кандай масофада турган булса, тасвир хам шундай масофада содир булади, яъни $AO=OA_1$.

Ясси кузгу ёрдамида бирор улчамга эга булган буюм тасвирини хосил килишда нуктавий манба тасвирини хосил килиш каби булади. Факат бунда чизмалар чалкашиб кетмаслиги учун буюмнинг учларида таркалувчи нурлар ёрдамида уларнинг тасвири хосил килиниб бир-бири билан тугри чизма билан туташтирилади (11-расм). Буюмнинг A чуққисидан таркалувчи иккита нурлар ёрдамида унинг A^1 тасвири хосил килинади. Буюмнинг B чуққисидан таркалувчи иккита нурлар ёрдамида унинг B_1 тасвири хосил килинади.



4-36-59

11-расм.

A_1 нуктани B_1 нукта билан тугри чизик ёрдамида туташтирсак A_1B_1 буюм тасвири хосил булади. Биринчидан AB буюм тасвири мавхум, иккинчидан тасвирнинг баландлиги буюм баландлигига тенг, нурлар $A^1B^1=AB_1$, учинчидан яси кузгудан кайтган нурлар A_1A ва A_2A_3 бир-бирларидан узоклашади, яъни таркалувчи нурлар булади.

Агарда таркалувчи нурлар ясси кузгуга тушса, хакикий тасвир хосил килинади. Бу вақтда манба мавхум булади.


Геометрик оптиканинг айлантирувчи тамойили уринли булади. Шундай килиб ясси кузгулар ёрдамида ёруглик нурларининг йуналишини узгартириш

мумкин. Ясси кузгу ёрдамида ёруглик интенсивлигини ошириш мумкин эмас.

Ботик ва каварик кузгуларни сферик сиртлар ёрдамида хосил килинади. Маълумки, ҳар қандай сферани сферик маркази мавжуд. У эгрилик маркази деб номланади. Шар сегментининг O_1 чуққисини сферик кузгунинг кутби булади.

Эгирилиқ маркази O ва кузгунинг кутбини туташтирувчи тугри чизиклар кузгунинг бош уқи булади. Кузгунинг эгирилиқ марказидан утувчи бошка тугри чизиклар кушимча ёки ёрдамчи уқлар булади. Агарда параллел нур дасталари бош уқи йуналишда кузгуга тушса кузгудан қайтиб, унинг фокусидан тупланилади.

Кузгунинг кутби O_1 дан F фокусигача булган масофа кузгунинг фокус масофаси дейилади. Фокусдан утувчи ва бош уқка тик йуналган текислик фокал текислик булади. Фокусда тупланувчи нурлар дастаси бош оптик уқка яқин булишлари керак. Бундай нурлар **параллел нурлар** дейилади. Сферик сирт радиуси R ва унинг фокус оралиғи боғланишини курайлик .



12-расм.

12-расмда қуйидаги белгилашларни киритайлик. $O_1F=f$, $OF=x_1$, $OO_1=Qy$ у вақтда $f=R-x$ тенг. Учбурчак OFA тенг томонли булганлиги туфайли $R=2x\cos\alpha$. OCA учбурчак тугри бурчакли учбурчак, ундан $\sin\alpha=a/R$ оқибатда қуйидаги ифода хосил килинади:


$$f = R \frac{R}{2\cos\alpha} = R \left(1 - \frac{1}{2\sqrt{1-\left(\frac{a}{R}\right)^2}} \right) \quad (34)$$

Параксиал нурлар учун $a/R \ll 1$ муносабат уринли булганлиги учун (34) ифодада a/R катталиқни инобатга олмасак булади.

Натижада:

$$f = R \left(1 - \frac{1}{2} \right) = \frac{R}{2} \quad (35)$$

Кузгу ифодасини келтириб чиқариш. Кузгу ёрдамида буюм тасвирини хосил қилишда, буюм тасвири қаерда, унинг катталиғи қандай, тасвир хақиқий ёки мавҳум ват угри ёки тунқарилганлиги хақидаги саволларга жавоб олиш лозим. Чизма сода ҳолда булиши учун бош оптик уқда жойлашган A нуқтавий манбанинг тасвирини курамиз (13-расм).



13-расм

А нуктавий манбадан таркалувчи 1 ва 2 нурлар тасвир хосил килиш учун етарли-1-нур кузгунинг O_1 кутбида кайтиб 1^1 йуналишда давом этади. А нуктадан чиккан 2-нур кузгунинг С нуктасига тушади. Кайтган 2^1 нурнинг йуналишини аниклаш учун С нуктага MN уринма уткзамиз ва уринманинг С нуктасига тик тушириш керак. 12-расмда у сфера радиуси $OC=R$ билан устма-уст тушади. Тушиш бурчаги α соат милининг йуналишига мос келади. Кайтиш бурчаги α^1 соат милининг йуналишига тескари йуналган. Кайтган 2^1 нур 1^1 нур билан Д нуктада кесишади. Шундай килиб Д нукта А нуктавий манбанинг тасвири булади. Бу ерда биринчи нур AO_1+O_1D масофани, иккинчи нур $AC+CD$ масофани бирдай вақтда утади. Белгилашлар киритамиз $AC=d$, $CD=t$, $AO_1=a$, $O_1D=b$. Натижада $d+t=a+b$ тенглик хосил килинади.

$V_1 ABCV_2 OCB$ ва $V_3 DCD$ учбурчаклардан ва $OC=OO_1=R_1$ $BO_1=C$, $CB=h$ белгилашлар асосида куйидаги тенгламалар системаси хосил килинади:

$$\begin{aligned} h^2 &= d^2 - (a-c)^2 = (d-a+c) \cdot 2a \\ h^2 &= R^2 - (R-c)^2 = 2RC \\ h^2 &= t^2 - (b-c)^2 \approx (1-b+c) \cdot 2b \end{aligned} \quad (36)$$

(36) тенгламалар системасидан биргаликда ечиб

$$d + t = a + b + \frac{c^2}{2} \left(\frac{1}{b} + \frac{1}{a} - \frac{2}{R} \right) \quad (37)$$

Тенглик хосил килинади ва ундан

$$\frac{1}{b} + \frac{1}{a} = \frac{2}{R} \quad (38)$$

Кузгу ифодасига келамиз (36) ифода ва (38) ифодани биргаликда куйидагича ёзиш мумкин:

$$\frac{1}{b} + \frac{1}{a} = \frac{1}{f} \quad (39)$$

Шундай килиб учта катталиклар узаро боғланган. Буюм ва унинг тасвир вазиятлари, фокус масофалар (39) ифода асосида узвий боғланган а ва b кийматларни мусбатлиги тасвирнинг хакикийлигидан далолат беради.


Каварик кузгу учун ифода куйидагича ифодаланади:

$$\frac{1}{a} + \frac{1}{b} = \frac{1}{f} \quad (40)$$

Буюм тасвирининг катталигини буюм катталигига нисбати катталаштиришни аниқлайди. Унинг ифодаси

$$\Gamma = \frac{b}{a} \quad (41)$$

Ботик кузгу нур дасталарини йигади, каварик кузгу эса сочади. Ботик кузгу ёрдамида буюм тасвирини ҳосил қилиш АВ буюмнинг ботик кузгу ёрдамида ҳосил қилиш учун буюмнинг А ва В чуққиларидан таркалувчи иккита нурлар етарли (14-расм).



В чуққисидан чикувчи 1 нур OO_1 бош оптик уққа параллел йуналган, у кузгунинг B_1 нуктасидан қайтиб F фокусдан утади. Иккинчи нур В чуққидан чиқиб кузгунинг F фокусидан утиб кузгудан қайтганда қайтган 2^1 нур OO_1 бош оптик уққа параллел йуналади ва B_1 нуктада 1^1 нур билан кесишиб В чуққининг тасвирини ҳосил қилади. Худи шундлай чизмани А чуққидан чикувчи иккита нурлар учун бажариб, унинг A^1 тасвири топишади. A^1 ва B^1 нукталарни тугри чизик билан туташтириб тасвир катталигини аниқлаймиз.

Тегишириш саволлари:

1. Кузгуларнинг қандай турлари бор?
2. Кузгулардан қандай мақсадларда фойдаланилади?
3. Ясси кузгу ёрдамида манба тасвирини қизинг.
4. Ясси кузгу ёрдамида буюм тасвирини қизингда нечта нурлардан фойдаланилади?
5. Ботик кузгунинг қандай параметрлари бор?
6. Ботик кузгунинг эгрилик радиус ива фокус оралиги қандай боғланган?
7. Ботик кузгу ифодасини ҳосил қилишда нечта учбурчаклардан фойдаланилади?
8. Ботик кузгу ифодасида қандай физик катталиклар узаро боғланган?
9. Ботик ва каварик кузгу ифодалари бир-бирларидан нима билан фарқ қилади?
10. Кузгунинг катталаштириш ифодасини ёзинг.
11. Ботик кузгу ёрдамида буюм тасвирини ҳосил қилиш учун нечта нурнинг йуналишини билиш етарли?

Таянч тушунчалар:

1. Сферик кузгунинг кутби – унинг энг баланд нуктаси.
2. Бош оптик ук – сфера маркази ва кутбидан утувчи тугри чизик.
3. Параксиал нурлар – оптик бош укнинг ёнидан йуналган нур дасталари.
4. Фокакус – сферик кузгудан кайтган нур дасталарининг тупланадиган нуктаси.
5. Фокал текислик – сферик кузгунинг фокусиди ва бош оптик укида тик жойлашган текислик.

Адабиётлар:

1. Е.И.Бутиков «Оптика» Москва. «Высшая школа». 1986 г. 329-337 б.
2. Г.С.Ландсберг «Оптика». Москва. «Наука». 1978 г.

7- Маъруза

МАВЗУ: ЛИНЗАЛАР ВА ЛИНЗАЛАР ЁРДАМИДА БУЮМ ТАСВИРИНИ ХОСИЛ КИЛИШ.

РЕЖА:

1. Линза турлари ва улардан фойдаланиш асослари.
2. Линзаларнинг параметрлари
3. Линза ёрдамида буюм тасвирини ҳосил қилиш


Хамма оптик асбобларда асосий қисмлардан бири линза ҳисобланади. Линзани шаффоф бир жинсли сферик сиртлар билан чекланган шиша ёки пластмассадан тайёрланади. Ҳар қандай линзадан ёруғлик нури ўтганда у икки марта синади. Шу сабабдан линза ёрдамида буюм тасвирини ҳосил қилишда ёруғликнинг синиш қонунидан фойдаланамиз. Линзалар 2 хил бўлади:

А) **Йигувчи линза:** ясси қаварик, ботик қаварик, икки томони қаварик. Йигувчи линзаларнинг ўртаси четларига нисбатан қалин бўлади.

Б) **Сочувчи линза:** ясси ботик, икки томони ботик. Сочувчи линзаларнинг ўртаси четларига нисбатан юпка бўлади.


Линзалар ёрдамида нурлар дастасини қеракли мақсадга қараб ўзгартирамиз

Линзаларнинг параметрлари. Бунда асосан юпка линзаларни ўрганамиз. Линзаларнинг қалилиги унинг эгрилик радиусидан кичик бўлса, юпка линза ҳисобланади. юпка линзаларда унинг марказидан ўтувчи нурларнинг силжиши d ҳисобга олинмайди (15-расм).



15-расм.

юпка линзаларда сферик сирт қутблари бир-бирига жуда яқин ёки ўстма-ўст тушади деб қараб қилинади ва у нуқтани линзанинг оптик маркази дейилади. Оптик марказ ва сфера марказларидан ўтувчи тугри қизик бош оптик ўқи бўлади. Линзанинг марказидан ўтувчи бошқа тугри қизиклар қушимча ўқларни ташкил этади. Йигувчи ва сочувчи линзаларга параллел нур дасталари туширилса (16 а ва в расм)




Йигувчи линзадан синиб утгандан кейин улар F нуктадан кесилиб утади. Сочувчи линзада синган нурларнинг узлари эмас уларнинг давоми F нуктадан кесишади.

F нукта линзанинг фокуси. Йигувчи линзада фокуси хакикий сочувчи линзада мавхум. Геомтерик оптиканинг айланиши тамойилига асосан линзанинг иккинчи томонида ҳам фокуси мавжуд иккита фокуслар линхага нисбатан симметрик бир хил масофада жойлашади.

Фокусдан утувчи ва бош оптик укка тик жойлашган текслик фокал текслик булади. Линза марказидан унинг Фокусигача масофа фокус масофа дейилади. Линзанинг оптик кучи унинг фокус масофасига тескари катталиқ. Йигувчи линза узидан синиб утган нур дасталарини кичик майдонга туплангани учун ёруғлик энергиясини оширади. Сочувчи линза ёруғлик дасталарини таркатганлиги учун ёруғлик энергиясинини камайтиради.


Линза ифодасини келтириб чиқариш (17 расм)



Радиуслар R_1 ва R_2 га тенг, сфера марказларни O_1 ва O_2 булган икки томонлама коварик линза ёрдамида A нуктавий манбанинг тасвирини хосил қилишини кураимиз. Линзанинг синдириш курсаткичи n_1 линза жойлашган мухитнинг синдириш курсаткичи n_2

A Нуктавий манбадан чиккан 1 нур линзанинг бош оптик уки буйича йуналган, у линзадан синмасдан утиб 1_1 йуналишда давом этади. A нуктавий манбадан чиккан иккинчи 2 нур линзанинг K нуктасига тушган. Тушиш бурчагини аниқлаш учун K нуктага MN уринма утказамиз ва уринманинг K нуктасига тик тушираимиз. Натижада тушиши бурчаги B саот миллининг йуналишига карама-карши йуналганю Агарда $n_1 > n_2$ булса ёруғликнинг синиши конунига линза ичкарасига туган 2 нур тикка караб кичик бурчакка синади. Синиш бурчаги B ҳам саот миллининг йуналишига тескари булади. Линза ичкарасидаги нур 2 йуналишини давом эттириб унинг D нуктасига келади. Нурнинг D нуктадан кандай бурчак билан чиқишни аниқлаш учун у нуктага TP уринма утказамиз ва уринманинг D нуктасига тик тушираимиз. Ёруғликнинг синиши конунига асосан D нуктасидан линза марказига караб катта бурчакда чиқиб 2^1 йуналишда давом этади ва 1^1 нур билан A^1 нуктадан кесишади.

Бу нукта A^1 А манбанинг тасвири булади. (18 расм)



18-расм

Чизмада бурчак $\bar{b} = a_1 + a_2 - \beta - \beta^1$

$$a = B + B^1 \quad n_2 a_1 = n_1 \beta \quad \text{ва} \quad n_1 \beta^1 = n_2 \alpha_1$$

Натижада $\bar{b} = \left(\frac{n_1}{n_2} - 1 \right) \alpha$ Чизмадан

$$\bar{b} = \varphi_1 + \varphi_2 \quad a = \gamma_1 + \gamma_2$$

(Y₂)

$$\varphi_1 + \varphi_2 = \left(\frac{n_1}{n_2} - 1 \right) (\gamma_1 + \gamma_2) \quad (42)$$

Юпка линза булгани учун к нукта линзанинг икки тамонида бир хил баландликда булиб уни h билан белгилаймиз φ ва γ бурчаклар кичик булгани туфайли

$$\frac{h}{a} = \lg \varphi_1 = \varphi \quad \text{ва} \quad \varphi_2 = \frac{h}{b} : \quad \gamma_1 = \frac{h}{R} \quad \gamma_2 = \frac{h}{R_2} \quad (43)$$

(43) ифодаларни (42) ифодага куйсак тубандаги ифода хосил булади

$$\frac{1}{a} + \frac{1}{b} = \frac{n_1 - n_2}{n_2} \left(\frac{1}{R_1} + \frac{1}{R_2} \right) \quad (44)$$

(44) тенгликнинг унг тамони линза шаклини хосил килишда кулланилади ва уни $\frac{1}{F}$ билан тенглаштирамиз яни

$$\frac{1}{F} = \frac{n_1}{n_2} \left(\frac{1}{R_1} + \frac{1}{R_2} \right) \quad (45)$$


Шундай килиб линзанинг фокус масофаси эгрилик сиртлар радиуси, шишанининг синдириш курсаткичи n_1 мухитнинг синдириш курсаткичи n_2 га боглик ифодани к-гига ёзамиз.

$$\frac{1}{a} + \frac{1}{b} = \frac{1}{F} \quad (46)$$

(46) ифодадан тасвирнинг вазияти в булан вазияти а ва линзанинг рокус масофасига боглик.

Линза ёрдамида булом тасвирини хосил килиш учун камида 3 та нурларнинг йуналишини билиш етарли (19-расм) Биринчи нур 1 буюмнинг А чуққисидан чиқиб бош оптик ук йуналишида булиб линзадан синмасдан утади 1¹ нур Иккинчи нур 2 в чуққидан чиқиб бош оптик укка параллел йуналсин, линзадан синиб утиб унинг иккинчи тамонидан фокусини кесиб утади. 2 нур учунчи нур 3 линзага фокусдан утиб тушади. У линзадан бош оптик укка параллел курунишда 3¹ нур шаклида таркалади.

У 2¹ нур билан кесишган нуктасида В чуққининг тасвирини В¹ хосил килади. В1 нуктадан бош оптик укка тик тушурсак А чуққининг тасвири А1 нинг вазияти аникланади.



Буюм тасвири хақиқий ва тункарилган. Тасвир катталигини А 1В 1 буюм катталиги АВ га нисбатан линзанинг катталаштиришни билдиради. Унинг ифодаси куйидагича:

$$\Gamma = \frac{A^1B^1}{AB} = \frac{b}{a}$$

Текшириш учун саволлар:

1. Линзанинг кандай шакллари бор?
2. Линзалардан кандай мақсадларда фойдаланилади?
3. Йигувчи ва сочувчи линзаларнинг фарқи нимада?
4. Линза ифодасини келтириб чиқаришда ёругликнинг қайси қонунидан фойдаланилади?
5. Линза ифодасини ёзинг.
6. Линзанинг фокуси кандай катталикларга боглик?
7. Линза ёрдамида буюм тасвирини хосил қилишда кандай нурлардан фойдаланилади?
8. Линзаларнинг катталаштириш ифодасини ёзинг.
9. Линзанинг бош оптик уқи кандай аникланади?
10. Линза учун геометрик оптикадаги айланиш тамойили уринлими?

Адабиётлар:

1. Н.М.Годжаев «Оптика». Москва. «Высшая школа» 1977. 176-179 б.
2. Г.А Зисман, О.М. Тодес. «Курс общей физики» Т.3. Изд. «Наука». Москва 1972. 50-56 б.

8- Маъруза


МАВЗУ: ЛИНЗАНИНГ КАМЧИЛИКЛАРИ

Дарсдан мақсад: Биринчидан кундалик ҳаётимизда нуқтавий манба ҳосил қилиш мураккаб иш. Иккинчидан ҳар қандай оптик линзаларни параксиал нурлар билан ёритиш мумкин эмас. Шу сабабдан линзаларда қузатиладиган асосий камчиликлар билан танишиш.

Р Е Ж А:

1. Сферик абберация
2. Хроматик абберация
3. Астигматизм
4. Кома дисторсия.

Параллел нур дасталари линзанинг бош оптик укига параллел ҳолда ёритилсин. (20-расм).



Бош оптик уққа яқин нурлар уни К нуктада қесиб утса линзанинг чеккасига тушган нурлар бош оптик уқни К2 нуктада қесиб утади. Натижада линза фокусида нуқтавий манзара қузатилмай, маълум улчамга эга булган доира шаклида ёруғ доғ ҳосил булади.


